

TO`SHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

Ҳайратнинг янги манзиллари



Туризм

Бугунги кунда вилоятда жами 1 минг 36 та туристик объектлар мавжуд бўлиб, 116 та меҳмонхона ва дам олиш зоналари, 810 та оилавий меҳмон уйлари, 70 та хостел, 40 та санаторий, шунингдек, 86 та туристик фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган жами 828 та маданий мерос объектлари мавжуд.

БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ

Айниқса, охириги беш йилда вилоятда сайёҳлик имкониятлари сезиларли даражада ортди. Хусусан, меҳмонхоналар сони 67 тадан 106 тага, оилавий меҳмон уйлари 20 тадан 774 тага, хостеллар 5 тадан 66 тага етди. Маҳаллий сайёҳлар 628 мингдан 2 млн. 400 мингга, хорижий туристлар сони эса 83 мингдан 201 минг нафарга ошди.

Яратилган шароитлар, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш ҳисобига

туризм хизматлари экспорти 30 млн. АҚШ долларидан 72,5 млн. АҚШ долларига ўсди. 863 млрд. 196 млн. сўмлик 86 та йирик туристик лойиҳалар ишга туширилди. Туризм соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар 25 тадан 86 тага етди. 2 та маҳаллага "Туризм қишлоғи" мақоми берилди.

(Давоми 4-саҳифада) ➤

■ Инсон қадри БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди.

"Инсон қадри", "инсон манфаати" деган тushunchalar фақат тилда эмас, амалда – ўзгаришларнинг бош мезонига, чинакам ҳаётӣ ҳақиқатларга айланди.

Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Хув ўша, одамларни узок йиллар қийнаб келган прописка масаласидан тортиб, миллатдошларимизни фуқароликка қабул қилишдаги ўзгаришлар дейсизми, валюта айирбошлаш тизимининг тубдан янгиланганидан тортиб, уй-жой билан таъминлаш масалаларига, таълимнинг тизимли йўлга қўйилгани, мажбурий меҳнатнинг бекор қилинганию, ташқи сийёсатда – қўшни давлатлар билан алоқаларнинг буткул янгича, яқин қўшничилик тамойили асосида ташкил қилинганига, барчасида ҳозир айтилган "инсон қадри" тushunchasi устуворлик касб этди. Айримларига мисоллар билан тўхталамиз.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Муносабат

МАҲАЛЛА – ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Халқимиз орасида "Бир фарзандга етти маҳалла ота-она", "Уй олгунча, қўшни ол!", "Отанг маҳалла – онанг маҳалла!" деган иборалар бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсон бирор муаммога дуч келса, тўй-маърака ёки бошқа масалаларни биринчи галда маҳаллага билдиради, қўни-қўшнисидан кўмак сўрайди. Бу бизнинг сингилмаган, аммо қон-қонимизга эзигиб кетган қадриятларимиздан.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Вилоят бўйлаб



НУРАФШОН шаҳридаги марказий ўйингоҳда "Вилоят ҳокими кубоги"нинг финал босқичи бўлиб ўтди. Яқини натижаларга кўра, биринчи ўринни "Худудий электр тармоқлари" АЖ вилоят филиали корхонаси жамоаси қўлга киритди.



Хива шаҳрида ўтказилган "Қовун сайли"да **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** учун ҳам алоҳида павильон ажратилди. Унда қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, олимлар янги навли маҳсулотлар ва уларни етиштириш технологияларига асосланган тақдимотларни намойиш этишди.



ҚИБРАЙ тумани марказида "Kids Academy School" номли хусусий мактабнинг очилиш маросими бўлди. Тадбирда ўқувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар мактабда яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.



ПИСКЕНТ туманида "Ободонлаштириш ойлиги" доирасида жами 200 дан ортик кўчалар тартибга келтирилиб, 39 км. йўллар асфальтланди. 2 мингдан ортик дарактларга шакл берилиб, 24 км. ариқ-зовурлар тозаланди. Шунингдек, 27 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.



ЯНГИЙЎЛ шаҳрининг "Баҳор" маҳалласида ҳокимлик мутасаддилари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ўтказилди. Унда 40 га яқин аҳолининг мурожаат ва таклифлари ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.



■ Мустақиллик иншоотлари

Юқори Чирчиқ туманида мамлакатимиз Мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан бир қатор янги қурилиш объектлари фойдаланишга топширилди.

Юқори Чирчиқ: БУНЁДКОРЛИК ТУҲФАЛАРИ



Хусусан, ҳудуддаги "Қизилсой" маҳалласида янги кўприк ишга туширилди. Очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, туман ҳокимлиги вакиллари ва фаоллар қатнашишди. Янги кўприкнинг узунлиги 96, кенглиги 13 метрни ташкил этади.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Жорий ўқув йилида Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфидаги 887 та умумтаълим мактабларига 57 минг 77 нафар бола 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган.

"ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ" ҲУДУДЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ

Шу муносабат билан ўрнатилган тартибда барча илм даргоҳларига 12 турдаги "Президент совғаси"ни етказиб бериш намунаси ташкил этилмоқда.

Бугунги кун ҳолатига 45 минг 932 та совға бо-

лаларга тарқатиш учун ҳозирлаб қўйилди. Совғаларнинг сўнгги қарвони Бўстонлиқ, Паркент, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз туманларига 14 августда етиб келди.

Таълимга эътибор энг устувор масалага ай-

ланган мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ушбу моддий ва маънавий туҳфаси мактаб оstonасига илк бор қадам қўяётган болажонларнинг бир умр ёдида қоладиган ёрқин таассуротга айланиши шубҳасиз.

■ Таълим



Даставвал тарихга айланган "прописка" ҳақида. Дастлаб қилинган иш шу бўлдики, "Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги Президент фармони билан, алмисокдан қолган "прописка" сўзининг ўзи маънан эскиргани, ушбу атама фуқаролар онгида «тўқсинлик қилувчи», «эркинликни чекловчи» деган тушунчаларни келтириб чиқараётганлиги боис, «доимий прописка» сўзлари «яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзларига алмашилди. Пойтахт ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлиш учун бу ҳудудларда доимий рўйхатда бўлиш талаби эса бекор бўлди.

Аввалари кўплаб фуқаролар Тошкентдаги ўзларининг кўчмас мулкни шаҳарда доимий рўйхатда турган яқин танишлари номига рўйхатдан ўтказиб, сўнгра ўзлари – ўз уйларида ижарачи каби яшашга мажбур эдилар. Амалга оширилган ислохотлар натижасида, уй-жой сотиб олишда прописка талаби бекор қилиниб, ўзбекистонликлар Тошкент шаҳрида қарийб 13 мингта хонадонни сотиб олдилар. Улардан 70 фоизини вилоятлик фуқаролар ташкил қилди.

Эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарт ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда пропискани йўқотиш бўйича амалда бўлиб келган қоидалар ҳам ўз ўзидан барҳам топди.

"Ватандан яхши ёр бўлмас". Ҳазрат Навоийнинг мазкур ўлмас сатрлари ижобати асрлар оша "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида" ги Президент фармонининг инъикоси бўлди десак, хато бўлмайди. Шу ҳужжатга асосан, 2016-2022 йилларда жами 66 минг 442 нафар киши Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди. Шунингдек, айни давр мобайнида 23 минг 310 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам ушбу шарафли мақом берилди.

Энди яна бир – ундан кам бўлмаган муаммо тўғрисида икки оғиз тўхтасак. Бир эсласангиз, яқин ўтмишда одамлар доллар сотиб олиш учун "қора бозор"га боришга мажбур, табиийки, ноқонуний валютафурушлар ҳам оддий фуқарога долларни давлат курсидан икки-уч баробар қиммат нархда пулларида. Банк томонидан ўрнатилган пассивирилган курс эса – "тепа"даги маълум бир амалдорлар "ўнганги" учун хизмат қилиб, улар бундан яхшигина даромад кўришган.

2017 йилдан бошлаб иқтисодий соҳада амалга оширилган энг улкан қадам – миллий ва (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лута курсини чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифга асосан белгиланган механизми жорий қилинган бўлди. Шунингдек, чет эл валюталарининг сотилиши, сотиб олиниши ва тасарруф қилиниши борасидаги аввал мавжуд бўлган чекловлар бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилди.

Дарвоқе, аҳоли учун барча турдаги пенсиялар ва олис туманлардаги бюджет ташки-

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ



лотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклида амалга оширилиши жорий этилгани ҳам – пул-кредит соҳасидаги ҳозир тилга олинган ислохотлар махсули ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида "Инсон қадри" тамойили амал қилиниб, юртимизда одамлар пешона тери билан топилган пуллари орқали ватанли бўлишлари йўлида ҳам ҳазилакам ишлар қилингани йўқ. Фуқаролар учун янги тарихимизда энг кўп уй-жойлар – яқин 6-7 йиллик даврларда қурилди, десак, муҳолага эмас. Фикримизни рақамлар воситасида ифодаласак, манзара яққол намоён бўлади.

2016-2022 йилларда Ўзбекистонда 300 мингта уй-жой барпо этилди. Бу эса 2016 йилгача бўлган кўрсаткичдан 10 баравар кўп. 2020-2022 йилларда – 18 триллион сўмдан зиёд имтиёзли ипотека кредитлари ажратилган бўлса, 2023 йил давомида 8 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. 2020-2022 йилларда 66 минг 611 нафар фуқарога

фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун ажратилган субсидиялар миқдори 1 трлн. 225 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу тариқа, янги квартирага эга бўлган оилалар сони 2022-2023 йилларда 140 мингта бўлган бўлса, 2025 йилга қадар уларнинг сони яна 200 мингтага ошиши мўлжалланмоқда.

Ҳозир тилга олган масалаларимиз қаторида – Ўзбекистондаги таълим тизимининг бутунлай янги босқичга кўтарилгани, мактабча ва олий таълим қамровининг ошганини ҳам ифтихор билан қайд этиш лозим.

Республикадаги барча бола-

лар учун бир хил бошланғич имкониятларни яратиш йўлида ҳар бир боланинг мактабга киришидан бир йил олдин умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўттишга бўлган ҳуқуқи "Мактабча таълим ва тарбия" тўғрисидаги қонун билан кафолатланди. Эндиликда болалар мактабга чиқишдан олдин бир йиллик мажбурий бепул мактабга тайёрловдан ўтказилмоқда.

2017-2022 йилларда болаларни мактабчага таълим билан қамраб олиш даражаси 708 минг нафардан – 2 млн. 103 минг нафарга етди. Мактабча таълим ташкилотлари сони эса беш баробарга ошиб, 2017 йилги 5 минг 211 тадан – 2022 йилга келиб, 29 минг 420 тага кўпайди. Нодавлат МТТлари сони эса 250 тадан – 22 минг 822 тага, жумладан, давлат-хусусий шерикчилик асосидаги оилавий МТТлар сони 20 минг 676 тага ошди.

Олий таълим, хусусан, хотин-қизлар таълимига берилаётган мислсиз имкониятлар ҳам янгиланаётган Ўзбекистоннинг ташриф қоғозидан бирига айланди. 2017 йилгача олийгоҳларда ўқиш учун давлат

грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охириги олти йилда бу борадаги аҳвол буткул ўзгарди. Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Магистратура учун эса 5 баравар кўпайди. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб нодавлат олий ўқув юртлари очилди, хорижий университетлар филиаллари сони ортмоқда, Ҳозирда 23 та нодавлат олий ўқув юртлари ҳамда 25 та



ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди, давлат раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, халқ вакиллари – олимлар ва рассомлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида юзлаб турли учрашувлар, анжуманлар, видео-конференциялар ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказилди.

Ҳозир тилга олинадиган рақамлар эса, ана шу янги сиёсат меваси ҳисобланади: агар Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо ҳажми 2017 йилда 2,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 7,5 млрд. долларга етди.


2016 йилда Ўзбекистонга келган Марказий Осиё давлатлари фуқаролари сони 2 млн. 27 минг 35 нафар бўлса, 2022 йилда бу рақам 4 млн. 364 минг 826 тани ташкил қилди. Ўз навбатида Марказий Осиё давлатларига сафар қилган Ўзбекистон фуқаролари сони ҳам – 2016 йилги 3 млн. 847 минг 835 нафардан – 2022 йилда 4 млн. 236 минг 319 тага етди.

Хуллас, бутун мамлакатнинг ҳар гўшаси, ҳар бир ҳудудида янгиланиш, покланиш одимлари бисёр. Мазкур мақоламизда янги Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда эришган натижаларидаги айрим жиҳатларига тўхталдик. Зеро, бу каби натижаларни инсон қадри улуғланаётган, қўйилаётган ҳар бир қадамда бутун ва эртанинг фаровонлиги мақсад қилинган юрtdа жуда кўплаб келтириш мумкин. Бу каби бунёдкорлик ва халқпарварлик тадориқлари бутун аллақачон оддий ҳаётий ҳақиқатларга, шуқроналик ҳиссига айланиб улғурди. Уларнинг натижасидан барчамиз баҳраманд бўлиб турибмиз. Биздан лозим бўладигани эса, бу неъматларнинг қадрини муносиб баҳолай олишдир.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
шарҳловчиси

■ Нишондорларимиз ҲАЁТ ДАРСЛАРИНИНГ ТАНАФФУСИ ЙЎҚ

Авваллари қишлоқ аёли деганда кўз ўнгимиздан куну тун далада меҳнат қилиб, рўзғор ташвишлари билан бўлиб, ижтимоий ҳаётдан четда қолувчи, дунё воқеаларидан беҳабар, билимини оширишга ҳафсала қилмайдиган хотин-қизлар ўтар эди. Лекин ҳозир вазият бутунлай ўзгарган. Бугунги қишлоқ аёли ўта замонавий, фикри теран, билимли, турмуш тарзи ибратли эканига амин бўламиз.



Оққўрғонлик Санобар Шарипова ана шундай зиёли қишлоқ аёлларидан. У Со бир Раҳимов номли маҳалладаги 8-мактабда рус тили фанидан дарс беради. "Нима учун ўқитувчилик касбини танлагансиз?" деган саволимизга, "Мен устозликнинг бор машаққати, шунингдек, роҳатини ҳам билиб танлаганман. Ўқувчиларимнинг биргина "устоз" деган сўзини эшитиш мен учун шараф. Азальдан аждодларимиз кадрларини бу мақомга муносиб бўлишга интиламан, ўқиб-изланишдан чарчамайман. Ҳозирда жуда кўп соҳаларда менинг ҳам шоғирдларим борлигидан фахрланаман", дея жавоб берди.

Дарҳақиқат, Санобар опа ўз касбининг фидойиси. Мактабда дарслардан ташқари тугарак юрияти, репетиторлик ҳам қилади. Ўқувчилари фан олимпиадаларида доимий қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашади. Бундан ташқари, мактабда бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раҳбари. Меҳнатлари самараси ўлароқ, 2020 йилда "Халқ таълими фидойиси", жорий йилда эса "Мўътабар аёл" кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Шунингдек, Санобар опа вилоятимиздаги энг фаол, ташаббускор хотин-қизлардан ташкил этилган "Оқила аёллар ҳаракати" клуби аъзоси. Клуб аъзолари маҳаллама-маҳалла юриб, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий низоларни бартараф этиш, хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ажримларнинг олдини олиш, шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аёлларга қўмаклашиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларини ҳал этишда бош-қош бўлишмоқда.

– Халқимизда "Қўш тилини куш билади", деган ҳикматли ибора бор. – дейди Санобар опа. – Аслида ҳам аёлнинг муаммосини, дардини ҳеч ким аёлча қушунмайди. Маслаҳатлашиб ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин. Бу борада "Оқила аёллар ҳаракати" опа-сингилларимизнинг энг яқин кўмақдоши, маслаҳатчиси, сирдошига айланиб бормоқда.

Умр инсонга бир маротаба берилади, уни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Санобар опа ҳаётини ёш авлодга билим беришга, уларни тўғри йўналтиришга, шунингдек, опа-сингилларимизни кўплаб-қувватлашга сарфламоқда. Биз ҳам орамизда шундай оқила аёллар кўпайишини исбат, хайрлашдик.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолддин ЭСОНОВ олган сурат



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ: БУНЁДКОРЛИК ТУҲФАЛАРИ

Таъкидланганидек, бундай янгиликларнинг ҳаммаси халқ ободлиги йўлида Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг адолатли эканидан дарак беради. Туман аҳолиси барпо этилган бунёдкорликлардан мамнун бўлиб, яратилган қулайликлар учун миннатдорлик билдирди.

Навбатдаги манзил "Нурли замин" маҳалласида жойлашган 1-сонли маҳалла ҳуқуқ-тартибот (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

маскани бўлди. Маскан "Нурли замин", "Саховат", "Янги ҳаёт", "Жалолтепа", "Қизилсой" ва Аҳмад Ясавий номли маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Ушбу масканининг ташкил этилишидан мақсад жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ички ишлар органларида жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат. Масканга профи-

лактика катта инспектори раҳбарлик қилади. Шунингдек, бу ерда хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор, вояга етмаганлар бўйича инспектор-руҳшунос, тезкор вакил ва суриштирувчи хизмат хоналари мавжуд.

Тадбир иштирокчилари бинода яратилган шароитлар билан танишиб, аҳоли билан яқиндан суҳбатлашишди.

Таъкидлаш жоизки, бу йил

тумандаги "Очиқ бюджет" ахборот порталига киритилган лойиҳалар бўйича жами 7 та маҳаллада 19,2 километр ички кўчалар асфальтланди. Жумладан, 15 минг 128 та овоз тўлган "Нурфшон" маҳалласидаги 1,4 километр ички кўча таъмирланди. Шунингдек, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида маҳалла бўйлаб жамоат транспорти йўлга қўйилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

МАҲАЛЛА – ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Айниқса, кейинги йилларда жамият ҳаётида маҳалланинг роли ва нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, маҳаллани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг локомотиви айлантириш учун барча чоралар кўрилмоқда. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида соҳага оид алоҳида фармон ва қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, муҳим стратегиялар белгилан олдинди.

Хусусан, келгусида мамлакатнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилла берувчи "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам – маҳалланинг мақомини ошириш борасида аниқ-тиниқ вазифалар белгилан олдинди. Асосий мақсадлардан бири – аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги "таянч кўприк"га айлантиришдан иборат. Бунинг учун барча имконият ва моддий ресурслар яратилмоқда.

Жумладан, келгуси етти йилда аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

маблагларни 24 триллион сўмга етказиш режа қилинди. Аҳолининг овозига кўра, маҳалла маблагларини инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётини жорий қилиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш учун ажратиладиган маблаглар миқдорини камида 3 баробар кўпайтириш белгиланмоқда.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, йўл, ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва бошқа коммуникация билан боғлиқ масалалар ечимида давлат фақат молиялаштирувга масъул бўладиган бўлса, юқоридаги тадбирларни биринчи навбатда қайси кўча ёки ҳудудда амалга оширилишини танлаш ҳуқуқи аҳолининг ўзига, маҳалла ихтиёрига беришмоқда.

Мазкур тадбирлар орқали ҳудуддаги ижтимоий муаммолар ечими таъминланиши билан бир қаторда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчиликни кенгроқ жалб қилиш, жамоатчилик назорати тизимини янада такомиллаштиришга эришилади.

Яна бир муҳим масала. Маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматларини "бир қадам"да кўрсатишни йўлга қўйиш тақлиф этилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бунда биринчи навбатда фуқароларга қулайлик яратиш, яъни маълум масофани босиб, туман марказига бориш, ортиқча маблаг сарфлаш ва турли овозгарчиликларнинг олдини олиш кўзда тутилмоқда.

Маҳаллани ислохотлар марказига айлантириш, аҳолининг муаммоларини жойида ҳал қилиш, маҳалла иқтисодиёти ва инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида Солиқ қўмитаси, Ички ишлар ва молия ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари каби давлат органларининг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, эндиликда маҳалланинг ўз иқтисодиёти, молияси, солиқ тушуми, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳоли қатламини кўплаб-қувватлаш ва, энг муҳими, камбағалликни қисқартириш учун асосли имконияти мавжуд бўлади.

Дилмурод ИЗЗАТОВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси бошлиғи

Таассуф

Куни кеча ижтимоий тармоқларда "Zo'rtv" телеканали мухбири ва тасвирчиси калтаклангани акс этган видео тарқалиб, кўплаб муҳокамаларга, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Гап шундаки, телеканал журналисти ва оператори жорий йилнинг 12 август куни аэропорт яқинида қурилаётган йўл ўтказгичнинг бешта тўсини қулаб тушиши сабабларини ўрганишга боради. У ерда эса, ўзини таништиришни ҳам истамаган бир эркак ижодий гуруҳдан тасвирга олмаслигини талаб қилиб, камерага ташлана бошлайди. Бу орада эса, ўзаро низо келиб чиқиб, "муштумзўр" эркак журналист ва операторни калтаклайди, камерага эса, шикаст етказилади.

Мазкур ҳолат барча ижтимоий тармоқларда кенг ёйилгач, кўплаб журналист ва блогерлар, ОАВ, зиёли қатлам вакиллари, кенг жамоатчилик аъзоларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Хусусан, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ички ишлар вазирилик ҳамда Бош прокуратура ўз расмий муносабатларини билдириб, ҳолат юзасидан қонунчиликнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилгани ва жараёнинг бориши қатъий назоратга олинганини маълум қилишди.

Шундай бўлсада, жамоатчилик вакиллари мутасаддилар олдига қатор саволларни қўйишди. Ўз фикрларини билдириб, фуқаролик позицияларини намён этишди. Биз эса, қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамыз.

Даставвал собиқ депутат Расул Кушербаев журналистларга нисбатан сўнги вақтларда тоқатсизлик кучайиб бораётганини таъкидлаб, ОАВ вакиллари қилинган зуравонлик учун қонунларимизда қатъий жавобгарлик белгиланмаганини танқид остига олди: "Очиқлик сари интиллаётган Янги Ўзбекистонда очкичликка хизмат қилувчи соҳа вакилларига нисбатан тоқатсизлик аёвга чиқмоқда. Айни ўринда зуравонликка нисбатан қонуний

чоралар кўрилиш эҳтимоли паст. Ўзбекистон журналистларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, уларга босим, зуравонлик учун қонунда жавобгарликни белгиланмаган мамлакатлардан бири", дея эътироз билдирган у.

Кўприкни қурган ким-у журналистни урган ким?



Ўзининг ҳуқуқий чиқишлари билан танилган ҳуқуқшунос-блогер Баҳодир Аҳмедов ҳам сўнги пайтлардаги бу каби ҳолатларни қаттиқ қоралаб, шуларни баён қилди: "Қулаган кўприк бўйича "иккинчи қовун тушириш" бўлибди. Воқеа жойига бораган журналист ва оператор ҳужумга учраган. Уларга кимдир касби юзасидан тажовуз қилса, жиноий жавобгарлик белгиланиши керак", дейди у.

Ижтимоий тармоқларда катта резонанс берган мазкур воқеага

ҳамкасбларимиздан бири "Қилғилликни қилиб, яна ОАВ вакиллари-га қўл кўтарган муштумзўрлар-га асло тоқат қилиб бўлмайди, УЯТ! Доно халқ шундайларга қарата айтган: "Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик", деб..." дея қисқагина изоҳ қолдирган бўлса, "Facebook" саҳифасида ўткир чиқишлари билан танилган асли касби шифокор бўлган, бироқ амалиётда журналистлик билан шуғулланиб келган Абдор Зоҳидов "Дўхтур бўлсам касаллар дўппосларди. Журна-

рилиш объектига адашиб келиб қолганини исботлаган "мутахассислар"нинг кучи уларга кўза тутганларни калтаклашга етибди. Ўзига ўзи чоҳ қазиш шунчалик ҳам бўладими?"

Бундан ташқари, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Миллий медиа бирлашмаси бошқарув раиси Шерзодхон Қудратхўжа мазкур воқеага видеомурожаат шаклида ўз муносабатини билдирди: "Ўзбекистонда ОАВ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мавжуд қонунлар билан ҳимояланган. Буни ҳамма билиши керак. Ўзбекистонда ахборот олиш ва уни тарқатиш, умуман журналистлар фаолияти эркиндир. Уларга бўйи мана шундай ўзининг "пахлавон"лигини кўрсатиб, муштумзўрлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳеч кимга бунга рўхсат берилмаган. Ўзбекистон сўнги пайтлар мутлақо ўзгаришти, лекин афсуски гуруҳ курмасиз бўлмайди".

Эслатиб ўтамыз, Ўзбекистонда ОАВ вакиллари фаолияти қонун билан тартибга солинади. Шу жумладан, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида, журналист текшируви ўтказиш, мансабдор шахс қабулида бўлиш, маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 14-моддасида ҳамда Маъмурий ва Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда шахсни ҳақорат қилганлик, қасддан енгил шикаст етказганлик ҳамда мулкни қасддан нобуд қилиш ёки зарар етказиш учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Эрали НОРБЕКОВ тайёрлади

Мазкур ҳолат юзасидан Оҳангарон тумани прокуратураси

ЯНА БИР БОШДА "КАЛТАК СИНДИ"



қазган. Ундан хизмат гувоҳномаси ҳамда иш ҳужжатларини тортиб олиб, ҳужжатларига шикаст етказган.

Жиноят кодексининг 219 (Ҳоқимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш) ва бошқа моддалар билан жиноят иши қўзғатилган.

Ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилаётгани айтилмоқда.

Сана

14 августда "Telegram" ижтимоий тармоғининг туғилган куни нишонланди. У бор-йўғи 10 ёшга тўлди, аммо шу қисқа вақт ичида деярли бутун дунёни қамраб олишга улгурди.

ОЛАМНИ ОЛГАН ЁН ЙИЛ

Telegramнинг асосий ютуғи – махфийликка бўлган талабда бўлган. 2013 йил кузда Саудия Арабистони ва Форсий кўрфаз яқинидаги бошқа давлатларда "Telegram" ижтимоий тармоғи ҳақидаги гап-сўзлар кўпайди. Шунда таникли араб блогери Халид App Store'да янги аjoyиб мессенжер пайдо бўлгани ҳақида бир неча постда таъкидлайди.

Telegramнинг рекламаси унинг махфийлигида бўлган.

Telegram асосчиси Павел Дуров ҳеч ким уларнинг ёзишмаларини кўра олмаслигини таъкидлаб, фойдаланувчиларда ишончли қайта уйғотди.

2014 йилда "Telegram" муносоиб равишда Европадаги энг тез ўсиб бораётган стартапга айланди. 2015 йилга келиб ундан фойдаланувчилар сони 100 миллиондан ошиб кетди.

Telegramнинг ривожланишида яна бир инсоннинг ҳам катта ҳиссаси бор, десак муболаға бўлмайди. Эдуард Сноуден собиқ МРБ агенти. У 2013 йилда АҚШдан қочиб Россияга келади ва бошпана сўрайди. Бунга сабаб у ҳукуматнинг одамлар устидан олиб борадиган доимий кузатувларини фожия қилади. Telegram шухрат топишга ўша пайтдаги аҳвол – махфийликка бўлган талаб сабаб бўлади.

П. Дуров мессенжер ўн йиллиги муносабати билан нафақат премиум обуначилар, балки барча фойдаланувчилар учун stories босқичма-босқич жорий этилишини маълум қилди. Миллиарднинг сўзларига кўра, бу Telegram учун янги босқичнинг бошланиши бўлади, чунки у хабарлар алмашинуви доирасидан ташқарига чиқади ва умуман ижтимоий тармоқлар инновациясига етакчилик қилади.

Telegram мессенжери фойдаланувчилари бир ой олдин фақат премиум обуна учун пул тўлаганларга жорий қилинган stories форматидан чекловларсиз фойдаланиши мумкин бўлади. Павел Дуров ўз akkaунтида мессенжер ўн йиллиги куни, 14 августда фойдаланувчиларга мурожаат қилиб, "барча учун stories босқичма-босқич жорий этилиши"ни билдирди. Унинг сўзларига кўра, "барча фойдаланувчилар учун stories'ни

босқичма-босқич жорий этиш" Telegram тарихидаги янги босқичнинг бошланишини кўрсатади – бунда у хабар алмашиш доирасидан чиқиб, умуман ижтимоий тармоқларда инновацияларга етакчилик қилиши керак, деб ҳисоблайди.

Яна Дуровнинг айтишича, 10 йил ичида "фақат озғани сўз тўғрисида" 800 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчига эга бўлган. "Йиллар давомида кўплаб янгилинишлар ва яхшилановчилар билан Telegram замонавий хабар алмашиш тажрибаси қандай бўлиши кераклигини қайта белгилаб берди. Утган ўн йиллик ҳаяжонли ўтган бўлсада, кейинги 10 йил Telegram ўзининг ҳақиқий салоҳиятини очиб берадиган вақт бўлади", деб ёзади миллиардер.

Глобал Forbes рўйхатида у 14 август куни 150-ўринни эгаллади. Дуровнинг ўзи Американинг Forbes журналидан уни россиялик миллиардер демаслигини сўради. Тадбиркорнинг вакили Дуров Россияни кўп йиллар олдин тарқатгани ва қайтиб келмоқчи эмаслигини айтди. АҚШ Forbes Дуровни Бирлашган Араб Амириликдан бўлган тадбиркор деб ҳисоблайди: у ушбу мамлакатнинг энг бой тадбиркорлари орасида биринчи ўринни эгаллайди, бу ҳақида Forbes Real-Time рейтингини дарак бермоқда.

ЎЗА

Ҳозирда телефонни одатий буюм сифатида қабул қиламиз ва у орқали инсталган мавзуда суҳбатлашамиз. Бироқ телефон суҳбатидаги илк сўзимиз деярли "алло" бўлади. У қардан келиб чиққан ва нимани англатади?

Телефон ҳаётимизга энди-гина жорий этилаётган вақтда янгиликдан фойдаланадиган ҳар бир одам аниқ регламентга амал қилиши лозим эди. Ўзоқ вақт давомида телефон ишбилармон ва таъсирга эга шахслар учун иш қуроли (инструмент) бўлган. Шунинг учун ҳар бир суҳбат илмий кашфиётни улуғловчи ҳодиса эди.

Биласизми

Маълумки, Александр Белл телефон кашфиётчиси саналади, бироқ бу аппаратнинг мукамаллашуви ва оммалашуви аме-


Алло, лаббай, марҳамат!

Ёхуд телефон трубкасини кўтарганда нима учун "алло" деймиз?

рикалик кашфиётчи Томас Эдисон катта ҳисса қўшди. Айнан у ер-шарининг ярмида телефондаги суҳбат бошланадиган сўзини анча олдин аниқлаб берди.

1877 йилнинг 15 августида То-

мас Эдисон йирик телеграф компанияларидан бирининг президенти билан ёзишмаларни амалга оширарди. Овоз сигналларини етказиш ва қабул қилиш учун қурилма ёрдамидаги музо-



караларни регламентлаш асосий мавзулардан бирига айланди. Суҳбатларни бошлаш учун Эдисон "hullo" сўзини

таклиф қилди. Телефон кашфиётчиси Александр Белл эса "aloh" (икки кема жамоаси сувда қўришганида инглиз тилида бир-бири билан "денгизча" саломлашиш) дан фойдаланишни тарғиб қиларди. Қўриб турибмизки, биринчи вариант омма орасида кенг тарқалди. Бундан чиқдики, "алло" "hullo"нинг русча талаффузидан шакли.

Аммо ҳамма мамлакатларда ҳам "hullo" урфга айланмади. Масалан, Японияда трубка кўтарилганда "мо-си-мо-си" ("гапиряпман-гапиряпман"), Грецияда "паракало" ("илтимос қилман"), Испанияда "дига" ("тапиринг") дейишди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

СПОРТ дайжест:

• Ўтган ҳафтада футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати



• Ўзбекистонлик легионер футболчилар Элдор Шомуродов ҳамда Хусниддин Аликулов янги жамоасида дебют уйинини ўтказди. АБ-босбек Файзуллаев ва Абдуқодир Хусанов захирада қолдирилди.

• Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтаётган шахмат бўйича Жаҳон кубоги баҳсла-



рида юрдошларимиз ўз иштирокларини янунлашди. Энг узоққа борган Жавохир Синдоров ҳам 1/16 финалида ўз иштирокини тўхтатди.

• Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий жамоаси Венгрия мезбонлик қилаётган "Masters" турниридаги иштирокини янунлади. Будапештда-

ги мусобақаларда Музаффарбек Тўрабоев -100 кг. вазн тоифасида



ғалаба қозониб, ўзбек дзюдоси учун 12 йил куттилган олтин медални тақдим этди.

• Беларусда якунига етган II МДХ ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси 28 та ол-

тин, 25 та кумуш ва 53 та бронза, умумий ҳисобда 106 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Би-



ринчи ўриндан Россия, иккинчи ўриндан эса мезбон Беларусь вакиллари жой олди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: Ҳайратнинг янги манзиллари



Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвесторлар билан ҳамкорликда жойларда йирик-йирик лойиҳалар амалга оширилиб, сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Биргина Тошкент вилоятининг сайёҳлик салоҳияти алоҳида эътирофга сазовор.

Маълумки, Тошкент воҳасининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ерда тош даври одамлари манзилгоҳлари, бронза даври қолдиқлари, кўҳна қалъа ва кўргон харобалари, қоятошга ўйилган расмлар топилган. Аммо бу ўлка нафақат қадимий тарихи билан, балки гўзалликка бой табиати билан наинки юртимиз фуқаролари, балки хорижликларнинг ҳам диққат-эътиборини торттиб келмоқда.

Сиз бу ерда Чорвоқ сув омбори қирғоқларида қўёшда тобланишингиз, Утом-Чотқол табиий қўриқонасингиз бўйлаб сайр қилишингиз, сирли ғорлар, тоғдан "учиб" тушаётган шаршаралар ва ойнадек тоза кўللари кашф этишингиз мумкин. Қишқи мавсумда эса вилоятнинг Амурсой, Чимён, Билдирсой ва Янгиобод тоғчанги дам олиш масканлари сайёҳларни кутиб олишга мунтазир.

Вилоятда асосан зиёрат ва эко-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



туризм йўналишлари ривожланган. Айниқса, Бўстонлик, Паркент, Зангиота, Оҳангарон туманлари ҳамда Ангрен шаҳарлари ҳамisha саёҳат ишқибозларини ўзига жалб этиб келган.

Хусусан, Бўстонлик туманида катта-кичик 9 та табиий кўл, бир-бирини ортада қолдирувчи тоғ чўққилари, Паркент тумани эса қадимжоларию бетакрор миллий таомлари билан ажралиб туради.

"ОЛТИН ҲАЛҚА" КОНЦЕПЦИЯСИ

Вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шароитлар яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ҳамда Ангрен шаҳрини қамраб олувчи "Олтин ҳалқа" концепцияси шакллантирилди.

Хусусан, Ангрен шаҳрининг Ян-



гиобод ва Лашкарак ҳудудларида экстремал ва тоғ туризмининг ривожлантириш режалаштирилган.

Жумладан, сўнгги йилларда 462 нафар аҳоли истиқомат қилаётган "Янгиобод"нинг туристик салоҳияти янада ошди. Ҳудудда туризм бўйича 43 нафар фуқаро ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, кўплаб аҳолининг бандлигини таъминлади. Аини пайтда биргина "Янгиобод" маҳалласида жами 13

та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, ундан зиёда меҳмон уйлари очилган.

— Чиндан ҳам ҳудудимизга сайёҳлар оқими кўпайган, — дейди "Соғлом" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Қодиров. — XI-XII асрларга оид "Гумбаз бобо" ва "Эрвали бобо" мажмуалари таъмирланиб, ўзгача чирой очди. Давлатимиз томонидан туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилётгани маҳаллий аҳоли учун ҳам яхши имконият яратди. Хусусан, тадбиркор Холдор Норматов кичик тоғ дарёси бўйида 150 нафар меҳмонга мўлжалланган "Яшил маскан" дам олиш мажмуасини қурди.

— Иш бошлаганимизга икки йил бўлди, шу вақт мобайнида меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида тажриба ортирдик, — дейди тадбиркор. — Сайёҳлар бассейнда чўмилишлари, миллий таомлардан татиб қуришлари мумкин. Ҳозирда сайёҳлар қишда ҳам дам олиш-



лари, табиатимиз гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари учун янги иншоотлар қуриш ҳаракатидамиз.

"Янгиобод" сайёҳлик ҳудудига, айниқса, ёшлар кўп ташриф буюришади. Сабаби, бу ерда экстремал туризм ташкил этилган. Яъни, тоғ чўққисидан сакраш, зинапоялардан баландликка кўтарилиш мумкин. Бу инсонга ўзгача адреналин беради.

— Бир неча йил олдин экстремал ва тоғ туризмининг ривожлантириш учун "Red stone" клубини туздик, — дейди инструктор Рауф Халилов. — "Янгиобод" тоғ ҳудуди дам олиш учун жуда мос. Тоққа чиқишда профессионал ускуналардан фойдаланамиз. Сабаби, сайёҳларнинг хавфсизлиги биринчи ўринда туради. Қоядан түбсизликка сакраш бир неча сонияни ташкил этади, бу вақтда одам эркин парвоз қилади. Бу туйғуни фақат синабгина ҳис қилиш мумкин.

Ангрен шаҳрига жорий йилнинг январь-июнь ойларида 222 минг 998 нафар маҳаллий, 10 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Йил якунига қадар 400 мингдан ортиқ сайёҳларни жалб этиш режа қилинган. Мазкур ҳудудда бугунги кунда 1 минг 778 уринли 61 та жойлаштириш воситалари фаолият юритмоқда. Шундан 9 таси меҳмонхона ва 13 таси хостеллардир. Шунингдек, 37 та меҳмон уйлари ва 2 та санаторий ҳам фаолият юритмоқда. Яқин йилларда Лашкарак қишлоғини "Туризм қишлоғи"га айлантириш режалаштирилган.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Суратлар таҳририят
фотогалереясида олинди

Нега шундай деймиз?

Салом ҳам — фарз, алик ҳам — фарз

Бировга салом бериш уни ҳолис ҳурмат қилиш, демакдир. Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, болани ёшлигиданоқ, тили чиққаниданоқ салом беришга ўргатадилар. Одоб юзасидан, ёшлар ўзларидан катта ёшдагиларга аввал салом беришлари, улар алик олишлари лозим. Ўзидан катта ёшдагиларни қарда бўлмасин, кўрганда салом бермай, индамай ўтиб кетиш — ҳоҳ ўғил учун, ҳоҳ қиз учун нихоятда нохуш ҳолат ҳисобланади.

Сувни кўрмай, этик ечма

Бу — қадимий мақолларимиздан бири бўлиб, уни XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Махмуд Қошғарий шундай изоҳлаган: "...Бу мақол ишларда мулоҳазали бўлишга ундаган кишиларга нисбатан қўлланади" ("Девону луготит турк", 3-том). Ҳозир ҳам мазкур мақолни: "Ҳар бир ишни аниқ-равшан билмай туриб, унга уринма, қадам қўйма, бир соҳада мулоҳаза билан, пухта ўйлаган ҳолда иш тут", деган маънода насихат тарзида айтадилар.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
"Ҳикматнома"

Митти ҳикоя ОТАНИНГ ЧЎНТАГИ

Саккиз йил бурун эри вафот этди. Ёшгина фарзандлари билан қолди.

Кийимлар жавонига эрининг костюмининг иилиб қўйди.

Саккиз йилдирки, ўша либос ҳаменига пул солиб қўяди. Қачон фарзандларидан бирортаси пул сўраса: «Дадангнинг чўнтагидан олақол!» дейди...

Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

Ўша йили учинчи синфга ўтаётгандим. Бўйим биров чўзилиб қолган бўлса керак, биринчи синфда кийган кийимларим тўғри келмай қолди. Бу ҳам етмаганидек, онам шимининг қаеригадири ямоқ солиб берса, икки кун ўтмай, бошқа жойидан ситилиб кетаверди. Қишда катта опамнинг қизил пальтосини кийгандим. Акамнинг эски оёқ кийими билан иккинчи синфни зўрға тугатдим. Хуллас, ота-онам янги кийим олиб берадиган бўлишди. Бозорга отландик...

Улуғлар айтганидек, қорни оч одам бозорга борса, тўяди. Емасам тўяди. Жилла курса, бозор қўриб юрган одамнинг кўзи тўқ бўлади. Отам билан кийим-кечак сотиладиган томонни қарийб ярим кун айландик. Ҳар бир сотувчи ёнидан узоклашарканмиз, отам таассуф билан бош чайқарди. Кўзимга қарамасликка уринарди. Хуллас, менга «тўғри келадиган» кийим топилди. Қизиги, отам олиб берган шим ва кўйлак, оёқ кийим ҳам анча катта келди. Отам: «Икки-уч йил бема-лол қиясан», деб қўйди. Ўзимда йўқ

хурсанд бўлдим.

Эрта-индин мактабга бориб, синфдошларимга макта-

нишни дилимга тугиб қўйдим.

Бола — бола экан-да. Отасининг чўнтаги, аҳволи қизиқтирармиди? Мен ҳам бола эдим. Кийим бозордан чиқарканмиз, димоғимга «гуп» этиб таомларнинг ҳиди урилди. Айниқса, кабоб кўзимга оловдай кўринди.

— Шашлик олиб беринг, — дея отамнинг нигоҳини кўра томонга бурмоқчи бўлдим.

— ...

— Қаранг, шашлик ота, менгаям олиб беринг, қорним очиб кетди...

Бу сўзни ҳеч бир ота «кўтара олмайди». Назаримда, жуда оғир гап қилгандим. Отамнинг бир қўлида менинг янги кийимларим, иккинчи қўли эса чўнтагида эди... Нималарнидир чамалади, шекилли, беихтиёр тамаддихона томон бурилди.

— Юр ўғлим, бир сени «шашлик»ка тўйдирай, — балки кенжа фарзанд бўлганим учундир, отам бирор марта илтимосимни ерда қолдирмаганиди.

Ошпаз амаки битта шапати нон

Чоршанба сабоқлари

Гўшт борида... ТИШ ЙЎҚ

ва икки дона сихда кабоб олиб келди. Ликопчада пиёз ҳам қўйди. Мен дастлаб ҳеч нарсага эътибор қилмай, олдимга қўйилган таомни шовилганча ея бошладим. Битта сихни тугатгач, биров нафсим қонди, шекилли, отамга юзландим.

— Сиз емасизми?

— Сен еявер, ўғлим, мени қорним тўқ, — отам шапати нон билан пиёз чайнаб ўтирарди.

Кабобни охиригача тугатдим, отам эса аччиқ пи-

юрагимни ўртади. Менинг болаларча овқатга ошиққанам ва мазали таом олиб бергани учун ўзини қаҳрамон санаганимни сезганидан отамнинг кўзи ёшлангандаи ўшанда. Қизиги, «Пиёз аччиқ экан» деб бунини сездирмаганиди.

Бугун болаларимни истаганча кабобга тўйдира олам. Хоҳлаган кийимларини кийишади. Чўнтагимда пулим тугайди, деган хавотирим йўқ. Отам ҳам тирик. Яқинда ўша болалик хотираларимни эслаб, отамга кабоб олиб бермоқчи бўлдим. Уйламанг, бу билан менинг қарзим узилади, деган фикрдан мутлақо йироқман. Аммо инсонда шундай ҳислар бўладики, уларга изоҳ бериб бўлмайди. Шунчаки, юрак бунини амр этади.

Замонавий ресторанда отам иккимиз ўтирдик. Дастурхонни уч-тўрт хил кабоб билан тўлдирдим. Тансиқ салатларга буюртма бердим. Отам битта сихни қўлига олди-да анча вақт тикилиб қолди. Бир чимдим еган бўлди.

Ўзимча ўйладим, отам ҳам ўша воқеани эслаётганимми?

— Олинг, ота!

— Болам, буларингни ейишга тишим ярамайди, ундан кўра аччиқкина кўк чой айтсанг-чи...

Тиши борида гўшт еёлмаган, гўшт борида тиши қолмаган отам, деб юрагим узилиб кетаёзди...

ИСОМИДДИН ПУЛТАТОВ



TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-831.

6 077 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.